

Ушбу меъзондаги иттифоқ ва ихтилофли нуқталар (Салафийлик 6)

05:00 / 13.03.2017 3153

Ушбу боб аввалида бир нарсани эслатиб ўтмоғимиз лозим. Бу меъзон қоидаларининг барчаси ҳам ушбу соҳа уламолари тарафидан бирдек қабул қилинган эмас.

“Ушбу соҳа уламолари” деганимизда, биз аввало ўз-ўзидан араб тили олимлари ва мутахассисларини назарда тутмоқдамиз. Зеро, насслар тафсири қоидалари- нейтрал, ҳеч кимга ён босмайдиган холис қоидалар бўлиб, улар луғавий далолатлар ва тушунчалар масдарларидан олинган бўлади. Модомики, ҳолат шундай экан, табиий тарзда, бу қоидалар тилшунослар ва араб тили мутахассисларига мурожаат қилади. Қуръон ва суннат насслари араб тили сийғаларида ворид бўлганлигини инобатга олсак, у ҳолда бу насслар ҳам араб тили далолати ва баёний қоидаларига бўйсунганини тушуниш мушкул эмас. Ушбу қоидалар соф луғавий қоидалар бўлиб, улар бирон дийний ёки фикрий мазҳаблар таъсири остида бўлмайди. Бизнинг “нейтрал, ҳеч кимга ён босмайдиган холис қоидалар” сўзимизнинг маъноси шудир.

Ушбу қоидаларнинг кўпларига луғат олимлари иттифоқ қилган бўлсалар ҳам, уларнинг айримлари ихтилофли қоидалар саналади. Худди мана шу ихтилофлар, илми калом ва Ислом шариати уламоларидан бўлган изланувчилар ижтиҳодларида ўз аксини топади.

Қуйида биз уларга мисоллар келтириб ўтамыз.

Биринчи мисол:

Араб тили олимлари, “лафзларни тафсир қилишда аввало ҳақийқий маънони олиш лозим” қоидасига иттифоқ қилганлар. “Мажозий маънога

эса, маънони кенгайтириш, ёки таъкидлаш, ёхуд ташбиҳ зарурати бўлган пайтларида ўтилади. Агар ушбу заруратлар топилмаса, лафз ҳақийқий маъносида ишлатилиши қатъийдир.[\[1\]](#)”. Мазкур ижмоъ Ислом шариати уламолари ижтиҳодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Улар нассларни мана шу қоидага кўра тафсир қиладилар. Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳ с.а.в ҳадисларида ворид бўлган калималар, агар юқоридаги уч зарурат бўлмаса, ҳар қачон ҳақийқий маъносида тушунилади.

Юқоридаги қоиданинг ёнида араблар “мажоз кўпайиб кетса, ҳақиқатга етиб олади” деган сўзни ҳам айтганлар[\[2\]](#). Яъни, араблар урфида калима ёки жумлани мажозий маънода қўллаш кўпайиб кетса, мажозий маънода қўллаш омма орасида кенг ёйилса, у ҳолда бу мажоз ҳақиқат сифатларини олади. Шунингдек, у ҳақиқатнинг мажозга ўтиши учун қўйилган зарурат шартларини соқит қилади. Зеро, калима ёки жумланинг мажозий маънода кенг қўлланиши, уни ҳақийқий маъно даражасига етказиб қўяди.

Уламолар, араблар амал қилиб юрган ушбу тўлдирувчи қўлланмаларни амалга оширишда турлича йўл тутдилар. Яъни, “таҳқийқул манот” (ҳукмлар билан иллат орасида боғлиқликни текшириб топиш) борасида ихтилоф қилдилар.

Баъзи олимлар, калимадаги мажозий маънонинг кўп қўлланиши ва халқ орасида кенг тарқалганини эътиборга олиб, ўша калиманинг ҳақийқий маъносини эътибордан четга чиқазганлар. Бунга мисол: “Мен бу дарахтдан едим” ёки “Мен ушбу қозондан овқатландим” деган каби. Ушбу мисоллардаги ҳақийқий маънолар эътиборга олинмаслиги барчага маълумдир. Бу иккала мисолларда ҳам ҳақийқий маъно ўрнини, “дарахт мевасини ейиш” ва “қозонда пишган таомдан ейиш” каби мажозий маъно эгаллагандир. Шофёрийлар, ҳанбалийлар ва жумҳур мусулмон олимлар ҳудди мана шундай қарашга эгадирлар.

Бошқа олимлар эса, одамлар мажозий маъноларини тушунишлари машҳур бўлган калималардаги мажознинг кенг тарқалганлигини эътироф қилсалар ҳам, аммо ушбу калиманинг ҳақийқий маъносини бира тўла унутдириб юбормаганлар, эътибордан четга чиқазмаганлар. Бу мазҳаб уламоларига кўра, гарчи одамлар оммаси орасида мажозий маъно кенг тарқалган бўлса ҳам, аммо айримлари, ушбу калимадан унинг ҳақийқий маъносини ҳам тушунадилар ва бу калималарни ҳақийқий маънода қабул қиладилар. Масалан: “Мен дарёдан ичдим” ёки “Мен фалончининг хонадонига қадам босмадим” каби. Одамлар, мазкур мисоллардан, аввало мажозий маънони тушунадилар. Зеро, ушбу мисолларда одамлар орасида ҳақийқий маънодан

кўра мажозий маъно кенг тарқалган. Одамлар биринчи мисолдан, “кишининг дарё сувидан ичган” лигини тушунадилар. У хоҳ коса билан, ёки бирон нарса воситасида ичсин, бунинг фарқи йўқдир ва у ўз сўзида содиқдир.

Иккинчи мисолдан эса, кўпчилик, “киши фалончининг хонадонига кирмаган” лигини тушунадилар. Чунки эл орасида ҳудди мана шу маънолар маъруф ва машҳурдир. Ушбу маънога кўра, агар киши фалончининг хонадонига бутун жасади билан кирмасдан, фақатгина қадам босган бўлса, у ўз сўзида содиқ саналади. Бу маъноларда тушунган кишиларни ёлғончи дейилмайди.

Ушбу мисоллардан, кўпчилик мажозий маънони тушунсалар ҳам, аммо одамлар ичида ҳақийқий маъноларни тушунадиган кишилар бордир. Одамларнинг барчаси ҳам ҳақийқий маъноларни тамоман тарк қилмайдилар. Гоҳида кимлардир “мен бу дарёдан ичаман” деб қасам ичиши мумкин. У бу сўзи билан ҳақийқий маънони ирода қилган бўлади. У дарё бўйига келиб, тўғридан-тўғри дарёдан сув ичиши мумкин. Шунингдек, гоҳида киши “мен фалончининг хонадонига оёғимни босмадим”, ёки “Аллоҳга қасамки, мен фалончининг хонадонига оёқ босмайман” дейишлари мумкин ва улар бундан ҳақийқий маънони ирода қиладилар. Яъни, киши фалончининг хонадонига қадам босиши билан сўзлари амалга ошган бўлади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари, калималарни ҳудди мана шу тарзда тафсир қилганлар. Бу мазҳабга кўра, халқ ичида мажозий маъно кенг тарқалган бўлса, омма бу маънога кўникма ҳосил қилган бўлса, гарчи ҳақийқий маъно амалда бўлса ҳам, калималарни мажозий маънода тафсир қилиш жоиздир [3].

Юқоридагилардан маълум бўладики, ушбу ихтилофнинг асосий сабаби, ибн Форис, ибн Жаний ва Сибавайҳ каби араб олимлари “**(қўлланишда) мажоз кўпайиб кетса, у ҳақиқат (мавқеъи)га етиб олади**” қоидадаги “кўпайиб кетиш” дан нима ирода қилинганини изоҳлаб бериш бўлган.

Араблар сўзлашувига эътибор берилган чоғда, уларнинг ўзлари ҳам мана шу сермаъно калималар маъноларини чегаралаш ва бу маъноларни чегаралаш шартлари хусусида ихтилоф қилганлари маълум бўлади.

Таъвил ҳақида баҳс қилган Ибн Жаний “ал-Хосаис” китобида ҳудди мана шу нарсани баён қилиб ўтганлар. Бироз кейин, биз ҳам бу мавзуни ёритиб ўтамиз, инша Аллоҳ.

Мазкур қоида натижасида, каломни таъвил қилиш ёки қилмасликда унга эргашиш лозим бўлган муҳим бир манҳаж юзага келди. Бу борада, қоидаларнинг муттафақи ва мухталафининг фарқи йўқдир.

Таъвил эҳтимоли мавжуд бўлган, таъвил қилиш мумкин бўлган калималар аввалида “зоҳир” туради. Зеро, “насс” ҳеч қачон “зоҳир”нинг эҳтимолига бўйсунмайди. Зеро, у шунинг учун ҳам “насс”дир. “Зоҳир”ни, авваломбор, ҳеч қандай таъвилсиз зоҳирий маънога ҳам қилмоқ лозим. “Зоҳир” таъвил қабул қилиши учун унда икки шарт топилиши лозим. Биринчи шарт: ўша зоҳир лафз ирода қилинаётган таъвилни қабул қилиши шарт. Ушбу шартга кўра, лафз ва таъвил қилинаётган маънолар орасида луғавий қўлланиш, ёки урфдаги истемол, ёхуд шу каби ўша калимани ҳақийқий маънодан мажозий маънога ўтказишни талаб қилувчи қандайдир боғлиқлик бўлиши керак. Бордию лафз ва таъвил қилинаётган маънолар орасида ҳеч қандай боғлиқлик топилмаса, у ҳолда бу таъвил ботил ҳисобланади. Бундай таъвиллар ботиллиги мисоли ҳудди шерни эшакка, дарёни тоғга, дарахтни кишига таъвил қилиш ботил бўлганига ўхшайди. Иккинчи шarti эса, аслида кучли бўлмаган маънони зоҳирий кучли маънодан устун қўйишни, зоҳирий маънони эса кучсиз санашни тақозо қилувчи далил топилиши керак.

Кўпинча бундай далиллар луғавий бўлади. Араблар секин-аста муайян бир лафз ёки таркибни мажозий маъноларда ишлатишни бошлаган пайтларида улар орасида қандайдир боғлиқлик асносида амалга оширдилар. Улар кейинчалик мана шу мажозий маъноларни ҳақийқий маъно ўрнига ишлата бошладилар. Одамлар ўша лафз ва таркиблар хусусида араблар ортидан эргашдилар. Одамлар араблар ортидан лафзларни араблар ичида ишлатиладиган мажозий маъноларга таъвил қила бошладилар. Улар араблар ундан юз ўгирган, истемолда ишлатмай қўйган қадимий ҳақийқий маъноларни ишлатиш билан, ўзларича бирон янги луғавий истилоҳ ихтиро қилмадилар. Зеро, араблар тили ва истилоҳлари араб тилидаги матнларни англаб тушуниб етишда асосий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Масалан, араблар “سَيَطُولُ يَمْحُ” , “قاس يلع بحل ا تماق” ёки деб айтадилар. Аммо ҳеч ким бу гапларнинг зоҳирий маъносини ирода қилмайди. Биринчи мисолда, араблар “жанг оёққа турди” десалар ҳам, бундан мажозий маънодаги “жанг шиддатли тус олди, кучайиб кетди” деган гапни айтмоқчи бўлган бўладилар. Иккинчи мисолда эса, “жанг қизиби кетди” десалар ҳам, бундан “жанг кучайиб кетди” деган мажозий

маънони ирода қилган бўладилар.

Араблар каломида мана шу тарздаги истилоҳ ва таркиблар жуда кўп учрайди. Бу истилоҳ ва таркиблар мазмунини тўғри англаш учун уларнинг сўзлари ва таркибларига диққат билан эътибор бериб, улар билан танишиб чиқиш лозим.

“ал-Хосаис” китоби муаллифи ушбу баҳсни кенг ёритиб ўтган ва диққат-эътиборини арабий калом руҳиятини ҳис қилиш, уни яқиндан таниш, асосларини ўрганиш аҳамиятига қаратган. Шу мақсадда, ўз китобида алоҳида боб ажартиб, унга “Араб тилини билиш омонлик берадиган дийний эътиқодлар боби” деб ном берганлар. Бобни қуйдаги иборалар билан бошлаган:

“Билгинки, ушбу боб китоб боблари орасида энг қимматлиларидандир. Ундан фойдаланиш бирор ғоя учун (васила маъносида) эмасдир, унинг ортида ниҳоя йўқдир, (чунки унинг ўзи ғоядир, ниҳоядир). Бундай дейишимизга сабаб, шариат аҳли орасида ҳақ йўлдан озганларнинг кўпи луғат мақсадини билмаслиги, луғат маъносига олиб борувчи олий йўлни билмасликлари туфайли ўша ёмон оқибатларга дучор бўлганлар. Уларнинг ақлларини чалғитган, заифлаштирган нарса уларнинг ҳудди мана шу мукаррам юксак луғат борасидаги заифликлари эди. Ваҳоланки, барчага (яъни, бутун инсониятга) мана шу луғат билан хитоб қилинган. Жаннат ва дўзах барча жиҳатлари билан мана шу тил орқали (инсонларга) намоён қилинган.”

Аммо шундай бўлсада, ушбу далил ҳам нисбийликни қабул қилади, у ҳам дақиқ чегаралардан йироқ. Зеро, бу каби таркиблардаги мажозий маънолар қўлланиви бошқа таркибларда ҳам бирдек нисбатда ишлатилмайди. Айрим таркиблар борки, уларни зоҳирий маънода тушуниш умуман имконсиз бўлиб, уларни таъвил қилиш вожиб бўлади.

Айримларини эса, гарчи одатда жуда кам ишлатилаётган бўлса-да зоҳирий маъно билан тушуниш мумкин.

Мана шу сабабларга кўра, уламолар таъвил қилиш борасида ихтилоф қилганлар. Бир тоифа олимлар эҳтиёт чорасини кўрганлар ва зоҳирий маънога ҳамл қилиш умуман имконсиз бўлганлиги боис лафзларни фақатгина таъвил маъноси билан тафсир қилганлар.

Бошқа олимлар эса, араблар ичида маълум ва машҳур бўлганлиги учун таъвил қилса бўлади, дейиш билан кифояланганлар.

Биз санаб ўтган омиллар туфайли, усул фикҳ илмидаги таъвил боби -гарчи қоидалар ва муттафақ шартлар атрофида жамланган бўлса ҳам- имомлар орасида татбиқотдаги ихтилофларни ўз ичига олгандир.

Бу ихтилофларнинг барчаси, уламолар таянаётган далил табиати, лафзларнинг арабий далолати муқоясасидан олинган маънолари ва араблар одатини синчиклаб ўрганиб чиқиш орқали ҳосил бўлган хулосаларга кўра юзага келгандир. Чунки, араблар ўзлари ҳам бир калимани гоҳида мажозий маънога таъвил қилсалар, гоҳида худди шу калимани зоҳирий маънода тушунганлар.

Бу фан олимлари таъвил бобини чегаралаш, каломни мутакаллим ёки шориъ тарафидан қасд қилинган маъно арқонига боғлашнинг қатъий йўлини топа олмадилар. Аслида, улар бу борада жуда дақиқ изланишлар олиб бордилар. Юқорида биз зикр қилиб ўтган шартлар топилгандан кейин ҳам, олимлар таъвилни қисмларга бўлдилар. Биринчиси: “таъвийлун қорийбун”- яъни, зоҳирий маънода тушунишдан кўра, таъвил қилишга яқинроқ бўлган қисм. Бундай қисмдаги лафзларда таъвил қилишга ундовчи омиллар яққол сезилиб туради. Бу қисмга мансуб лафзларни таъвил қилишда ихтилоф йўқ. Иккинчиси: “таъвийлун баъийдун”. Яъни, лафзни таъвил қилишга ундовчи омиллардан кўра, уни зоҳирий маъносида қолдиришни тақозо қилувчи омиллар кучли бўлган қисмдир. Бундай лафзларни ҳеч ким таъвил қилишга уринмайди. Учинчиси: “таъвийлун муҳтамилун”. Бундай лафзларда икки тараф баробар келади. Лафзни на зоҳирий маънога, ва на таъвилга буришга аниқ далолат топилмайди. Калом ҳар иккаласи орасида иккиланиб қолади. Баъзи олимлар наздида, лафзни зоҳирий маънода қолдириш керак дейилса, айримлари уни таъвил қилмоқ керак, деган тушунчада бўладилар. Ва уларнинг ҳар бири, ўз ижтиҳодини Шориъ мақсадига яқин, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, олимларнинг бири “таъвийлун қорийбун” деган таъвийлни, бошқа бири “таъвийлун баъийдун” деб ҳисоблайди. Ва ҳоказо, мана шу тарз бир қанча ихтилофлар мавжуд бўлиб, инша Аллоҳ кейинроқ, ақийдавий ва сулукий ҳукмларга доир бўлган ушбу ихтилофий нуқталарга мисоллар ва намуналар келтирамиз.

Иккинчи мисол:

Уламоларнинг “мафҳумул мухолафа”ни эътиборга олиш ҳақидаги ихтилофлари. Уламолар, араб тилида “мафҳумул мухолафа” далолатининг асли бор ёки йўқлиги, ҳақида ихтилоф қилдилар. Эшитувчи сўзловчининг сўзларидаги хослашдан фақатгина зикр қилинган нарсани тушуниб, зикр қилингандан бошқаларига нисбатан эса ҳукмни эътиборсиз қолдиришига “мафҳумул мухолафа” дейилади.

Ихтилофнинг асосий сабаби, араб тили билан шуғулланган Сийбавайх, ибн Анборий, Саълибий ва ибн Жаний каби кўплаб тилшунослар, луғатнинг собит бўлиши ва унинг далолати қатъий бўлиши учун ўша тил ўз эгалари тарафидан тортишув ва шубҳалардан холи, мутавотир тарзда нақл қилиниши лозим, деган қарашни билдирганлар. Аммо луғат эгаларидан баъзиларигина нақл қилган, унда тавотур шартлари топилмаган луғатлар борасида эса, улар ихтилоф қилганлар. Кўпчилик олимлар, бундай лафзлар “зонн”ни ифодалайди, десалар, бошқалари, бундай лафзлар илмни ифодалайди, унга эҳтимолларни киргизиш дуруст эмас, дейдилар. Айрим олимлар эса, агар қорийна билан келса илмни ифодалайди, акс ҳолда йўқ, деганлар[4].

Араб тили мутахассислари қарорига биноан, уламолар “мафҳумул мухолафа”дан олинадиган далолат қадру қиммати ҳақида иккига бўлиндилар.

Биринчи қисм олимлар; Яъни, жумҳур олимлар фикрича, “мафҳумул мухолифа” ҳужжат ҳисобланади. Улар ўз сўзларига луғавий бир қанча далиллар келтирганлар.

Иккинчи қисм олимлар. Яъни, асосан ҳанафийлар ва Имом Ғаззолий ҳамда унинг шайхи Имом ул-Ҳаромайн каби айрим шофеейлар наздида, мутакаллимнинг хослаши мазкурдан бошқалардаги ҳукмни йўққа чиқазмайди. Улар ўз мазҳабларига қуйидагиларни далил қилиб келтирганлар. Биринчидан; араблар тарафидан бу ҳақида мутавотир нақл собит бўлмаган. Иккинчидан; агар унга амал қилинадиган бўлса, “мафҳумул мухолифа”дан бошқа кўплаб фойда ва далолатлар беҳуда кетиши мумкин. Модомики, бундай эҳтимол мавжуд экан, уни далил қилиш нораводир, аммо “мафҳумул мухолифа”дан ташқари яна қўшимча қарийналар бўлса, у ҳолда эътироз йўқдир[5].

Мазкур ихтилофларнинг асоси, Ислом шариати уламолари орасидаги яна бир қанча далолавий масалаларга ҳам сабаб бўлгандир. Ваҳоланки, Ислом шариати уламолари насларни тафсир қилиш ва улардан ҳукмлар олишда

ягона, барчани жамловчи манҳажга иттибоъ қилиш зарур эканлигига иттифоқ қилганлар.

Шу туркумдаги ихтилофлардан бири, амр сийғасининг ташқи қорийналардан холи пайтидаги далолати ҳақидадир. Жумҳур мазҳабига кўра, ташқари қорийнлардан холи келган амр сийғаси вужубни тақозо қилади. имом Розий, бу кўплаб фуқаҳо ва мутакаллимлар мазҳабидир, деганлар. Имом Шофееий р.а мазҳаби асоси ҳам мана шудир. Лекин имом Ғаззолий р.а каби бир тоифа олимлар, токи қорийналар топилмагунча, амр сийғасига маъно беришдан тўхтаб туришни маъқул кўрганлар.

Ушбу гуруҳ олимлар, амр сийғасининг вужуб, ёки надб, ёҳуд ибҳоа учун келганлиги ҳақида қатъий далил топилиши керак, дейдилар. Улар бу сўзларига қўшимча қилиб, ушбу далил ёки ақлий, ёҳуд луғатдан бўлган нақл бўлмоғи лозим. Ақлга келсак, у тил борасида ҳеч ишга ярамайди. Нақлга келсак, у оҳод ёки мутаботир бўлиши мумкин. Луғат оҳод йўл билан собит бўлмайди. Араб тилида “لجعفا” амр сийғаси вужубга далолат қилиши мутаботир тарзда нақл қилинмаган. Демак, бу борада қатъий бирор гап айтиш мумкин эмас, балки аниқ бирон сўз айтиш учун ташқи қорийналар қидириш лозим, дейдилар.

Учинчи мисол:

Наҳий сийғаси қатъий тарк қилишни, яъни, таҳриимни талаб қилганидан ташқари яна нималарга далолат қилишлиги, уламолар орасида баҳс ва мунозара ўрнидир.

Наҳий сийғасининг ўзи -агар қорийналар бўлмаса, мустақил равишда қайтарилган феълнинг фасоди ёки ботиллигига далолат қиладими? Зеро, феъл ботилга чиқиши билан, у ўз ортидан шаръий натийжаларни эргаштириб келолмайди. Ёки наҳий сийғаси далолат қиладиган ҳар қандай нарса ўз бажарувчисини иқобга дучор қиладими? Аммо ақлнинг сиҳҳати ва бутлонига келсак, у ҳақида сукут сақлангандир. Унинг ҳукми қорийналар ва бошқа далиллар орқали маълум бўлади.

Жумҳур уламолар, луғат наҳий сийғасининг қайтарилган феъл бажарувчисини танбеҳ ва иқобга дучор қилишдан ортиғига далолат қилолмаслигига иттифоқ қилганлар. Улар бу хусусда, наҳий сийғаси юқоридан қуйига нисбатан бўлаётган чоғда қатъий тарк талабига далолат қилишини назарда тутганлар. Аммо бу феълнинг саҳиҳ ва ботилга оид ҳукмига келсак, наҳий сийғасининг ўзи мустақил равишда бунга далолат

қилолмайди, балки у ташқи қорийналарга муҳтождир.

Барчамизга маълумки, байъ, никоҳ, намоз, талоқ ва шу каби нарсалар борки, улар саҳиҳ ва ботил сифатларига эга бўлиб, уларга нисбатан шаръий нормалар мавжуддир. Мана шу каби шаръий нормалар мисолида ташқи қорийналарни излаган ва бу қорийналар асосида шориънинг қайтарилган феълни бажарган кимсага нисбатан кўрилган чораларини ўрганиб чиққан уламолар муттафақ бўлган нуқталарга келиб тўхтадилар. Аммо, улар иттифоқ омиллари мукамал бўлмаган ишлар юзасидан эса ихтилофга тушдилар.

Уламолар бирор ишга боғлиқ бўлган наҳий сийғаси, ўша ишга боғлиқ бўлган ташқи сабабга эмас, балки унинг зотига тегишли бўлган ҳар қандай феълнинг ботил эканига иттифоқ қилганлар. Албатта бу, бундай феълларни қилган кимсалар иқобга гирифтор бўлишларини ҳам ифодалайди. Аслида Шорей тарафидан, агар ўша феъл саҳиҳ ҳолда топилса, унга боғлаб қўйилган асарлар мавжуд эди. Феъл бутлонга маҳкум бўлган пайтда эса, Шорей унга боғлаб қўйган ўша асарлар амалга ошмайди. Бунга, таҳоратсиз намоз ўқиш, киши ўз маҳрамларидан бирини никоҳлаб олиши ва ўзи эга бўлмаган нарсаларни сотиши кабилар мисол бўлади.

Уламолар иттифоқ қилолмаган нуқта бу – наҳий сийғаси феълнинг ўзига эмас, балки унинг ташқи сифатига тегишли бўлган ўринлардир. У шундай ташқи сифатки, уни ўша феълдан ажратиб олиш имкони мавжуд. Бунга мисол сифатида, Шориънинг кишини бировнинг ҳовлисини, унинг изнисиз, бирон нарсага ишлатишидан, ёки қарзни узишга қодир бўла туриб, ундан қочиши ёхуд уни узишдан қочиш мақсадида нималар биландир машғул бўлиб олишидан бўлган қайтариқларини келтириш мумкин. Киши ўзганинг ҳовлисида, соҳибининг ижозатисиз, ҳатто намоз ҳам ўқиши мумкин эмас. Зеро, шариатда ўзганинг ҳовлисида, эгасининг рухсатисиз намоз ўқишдан қайтарилгандир. Барчага маълумки, киши намоздан қайтарилган эмас, балки у қайтарилаётган нарса ўзганинг ҳовлисида рухсатсиз намоз ўқишликдир. Бировнинг ҳовлисида намоз ўқишлик намоз жавҳаридан айри нарса эканлиги ҳаммага маълумдир. Киши, унинг тарафига ҳақдорнинг ҳаққини талаб қилиш учун келаётганини кўриб, дарровда намозга шуруъ қилиб олишлиги, шариатга кўра манъ қилингандир. Бу ўринда ҳам киши намоздан манъ қилинаётгани йўқ, балки у ҳақдорнинг ҳаққини беришдан қочиш мақсадида намоз ўқишдан қайтарилгандир. Бу масалага қўшимча сифатида, жумъа куни, пешин вақтида савдо-сотиқ қилиш ва ўзганинг

пичоғи билан, унинг рухсатисиз, қурбонлик қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Жумхур уламолар наздида, бундай феълларни қилган киши иқобга дучор бўлса ҳам, аммо унинг ушбу феъли саҳиҳ ва уларга кўра шаръий асарлар тартиб топади. Чунки, наҳийни тақозо қилаётган нарса ўша феълларнинг ўзи эмас, балки уни бажарувчисидаги шаръий мазмун сифатлардир.

Аммо, бу масалада жумхур уламоларга имом Аҳмад р.а, Жибоий ва айрим мутакаллимлар муҳолиф чиққанлар. Уларнинг мазҳабига кўра, наҳий сийғаси феълларни умуман бутлонга олиб боради. Уларнинг ўз сўзларига келтирган далиллари Расулуллоҳ с.а.в нинг “*وهف ان رما هيلع نكي مل ام لك*” (Бизнинг амримиз бўлмаган ҳар бир нарса мардуддир) саҳиҳ ҳадисларидир. Жумхур уламолар ушбу ҳадиснинг саҳиҳ эканлигига шубҳа билдирмаганлар ва уни қабул қилиш лозимлиги ҳақида ҳеч қандай тараддуд ҳам қилмаганлар. Аммо бу ҳадиснинг маъноси хусусида, улар бошқа шаръий далилларни ҳам синчиклаб ўрганиб чиқиб, “*وهيلع نكي مل ام*” сўздан мурод, наҳий сийғаси унинг зотиға тегишли бўлган феъллардир”, дедилар. Улар бу ҳадисни биринчи турдаги, барчалари иттифоқ қилган “муҳарромун лизотиҳи”га далил қилдилар. Аммо асли машруъ ва матлуб бўлиб, кейинчалик ташқи, янги сифатлар сабабли қайтарилган феъллар бу ҳадис мазмуни остига кириши ҳақиқатдан анча йироқдир.

Мана шу ихтилофга биноан, тортиб олинган ерда ўқилган намоз, жумъа намози пайтидаги тижорат, ҳар иккаласи имом Аҳмад р.а ва асҳоблари наздида ботилдир. Аммо бошқа имомлар наздида эса, саҳиҳдир.

Тўртинчи мисол:

Уламолар лафзларнинг “хос” ва “ом”, “мутлақ” ва “муқайяд”ларга бўлинишига иттифоқ қилганлар. Шунингдек, улар бу лафзлар таърифи ва мана шу сифатлар унга мувофиқ келган лафзлар борасида ҳам иттифоққа келганлар. Уламолар “хос”, “ом”, “мутлақ” ва “муқайяд”ларнинг чегараси хусусида асло ихтилофга тушмадилар.

Уламолар иттифоқига кўра, ҳукмларда ворид бўлган “ом” лафзи умумга далолат қилади ва ўша ҳукм умумнинг барча аъзоларини ўз ичига олади. Бордию ўша “ом” лафзига мансуб аъзолардан иборат бўлган махсус аъзоларни ўз ичига олувчи муҳолиф ҳукм келиб қолса, у ҳолда ана шу

иккинчи ҳукм истисно маъносида бўлишига иттифоқ қилдилар. Ва натийжада, ана шу аъзолар аввалги ҳукм умумидан ташқарига чиқади ҳамда у ўзига хос бўлган ҳукмни олади.

Бирон ҳукм хусусида “мутлақ” ворид бўлган лафзни мутлақлигича тушуниш лозим эканлиги ҳам уламолар орасида муттафақдир. Бас, “мутлақ” лафзлар учун бирон қайд ёки чегара тўқиб чиқиш жоиз эмасдир. “Муқайяд” эса, ҳукм мансуб бўлган доирани торайтириш бўлиб, у “мутлақ”даги айрим аъзоларгагина тегишли бўлади. Аммо “лафз мутлақ келган чоғда, у мукамал аъзоларигагина тегишли бўлади” луғавий қоидасига кўра лафзлар доираси торайиши мумкин. Ушбу қоидага кўра, “унга далолат қилувчи мутлақ лафз моҳияти унда мукамал бўлмаган аъзога нисбатан “мутлақ” қўлланилмайди. Масалан, унда нуқсон, ёки айб, ёхуд жароҳат бўлган аъзоларга “мутлақ” исмини қўллаш ботил ҳисобланади. Мутлақ айтилган “Дийнор” калимаси тешилган дийнорга ишлатилмайди. “Солат” (яъни, намоз) мутлақ калимаси баъзи асосий рукнлари ёки саҳиҳга айлантирувчи шартлари топилмаган намозга қўлланилмайди. “Дор” (яъни, ҳовли) калимаси ҳаммом, кирхона ва сувхонаси каби асосий шартлари топилмаган ҳовлига нисбатан ишлатилмайди.

Мазкурларнинг барчаси ушбу манҳаж уламолари иттифоқ қилган нарсалар жумласидандир.

Ушбу муттафақ нуқталарга алоқадор яна шундай нарсалар борки, уламолар улар ҳақида ихтилоф қилганлар. Қуйидаги масалалар ана шулар жумласидан ҳисобланади:

Биринчиси- аслида “ом” лафзи ўз мадлулига қатъий шаклда далолат қилади. Аммо у ўзининг умумга бўлган далолатида қатъий шаклда бардавом бўладими ёки у истъомол асносида қатъийликдан зоннийлик даражасига тушадими? Ҳанафийларнинг кўплари биринчи раъйни қабул қилганлар. Шофёрийлар, моликийлар ва ҳанбалийларнинг кўпчилиги эса, иккинчи раъйни таржиҳ қилганлар. Ўз навбатида ушбу ихтилоф муҳим натижалар ҳосил қилган. “Ом” лафзи далолати истъомол асносида ҳам қатъийликда давомли бўлади, дегувчилар мазҳабига кўра, баъзи аъзоларига зид келувчи хословчи ҳукмлар ўша аъзоларни умумдан хослашга, умумнинг доирасини торайтиришга кучи етмайди. Умумни хослаш ва унинг доирасини торайтириш учун ўша “хос” лафзи собит бўлиши ва далолати жиҳатидан қатъий бўлмоғи лозим. Демак ушбу мазҳабга кўра, Қуръон умумларини оҳод хабарлар билан хослаш мумкин

эмас. Чунки биринчиси қатъий далолат соҳиби, иккинчиси эса зонний далолатга эгадир. Иккинчи мазҳаб уламолар наздида, “ом” лафзини ҳар қандай далил ёки зонний насс билан хослаш мумкиндир. Зеро, улар наздида “ом” лафзи далолати истеъмол чоғида зонний ҳисобланади. Ҳа, жумҳурнинг қараши шундайдир.

Иккинчиси- “ом” насс билан рукн ва шартлари мукамал бўлган қиёс ўртасида зиддият топилса, бундай қиёс ўша “ом” нассни хослай оладими? Қовлий ва феълий урфларчи, улар билан “ом” нассни хослаш мумкинми?

Уламолар булар ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзи олимлар: “қиёс насснинг бир бўлагидир. Шунинг учун бўлак аслини хослай олмайди, муқайяд қилолмайди.” дейдилар. Жумҳур эса, “Албатта, саҳиҳ қиёснинг ҳукми насснинг ўзининг ҳукми кабидир. Зеро қиёс аслининг натийжаси ва тақозоси ҳисобланади. Шунинг учун у омни хослаш ва мутлақни муқайяд қилишда насснинг ҳукмини олади” дейдилар[6].

Биз, омни хослаш ва мутлақни муқайяд қилишни таъвилнинг бир тури, деб эътибор қилмоқдамиз. Бундан аввалроқ эса, таъвилга олиб борувчи манҳажнинг, ёки баёни юқорида ўтганидек луғавий ҳукм тақозосига кўра, ёхуд унинг билан хослаш ва муқайяд қилиш дуруст бўлган шаръий далил тақозосига кўра бўлишлигини ҳам билиб олган эдик. Мазкур маълумотларга биноан, хосланган ом таъвил қилинган лафзлар туркумидан ҳисобланади. Шунингдек, бошқа насс далолати ила қайд қилинган мутлақ ҳам муқайяд саналади.

Менимча юқоридаги мисоллар ва маълумотлар баҳсимиз учун кифоя қилади. Мисоллар билан танишиб чиқиш мобайнида бизларга қуйидаги нарсалар равшан бўлмоқда. Ислом шариати уламолари ва ушбу дийн имомлари орасида унга иттифоқ қилинган ва у ҳақида ихтилоф қилинган нарсалар мавжуд. Бу нарсалар эътиқодий масалаларга оидми, ёки сулук фикҳи ва ҳукмларига доирми, бунинг аҳамияти йўқдир. Муҳим бўлган нарса шулки, бу масалалар барчаси мана шу жамловчи манҳаж табиати тақозоси ва унинг воқеълиги талаблари ёрдамида, унинг сояси остида юзага келди.

Муттафақ нуқталарга диққат эътиборларимизни қаратиш эҳтиёжи йўқдир, чунки у асл бўлиб, ҳар қанча ижтиҳод қилинмасин уни ўзгартириб бўлмайди. Аммо биз диққат эътиборларни, юқоридаги мисоллар орқали

кўриб чиққан ихтилоф ва унинг омиллари ҳамда сабабларига қаратмоқчимиз.

Юқоридаги масалаларда иккала мухолиф тарафлар томонидан айрим ихтилофлар содир бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо ўша ихтилофларнинг сабаби сифатида, биз уларнинг ўша чизиб қўйилган, бироз аввал қисқача баён қилиб ўтилган манҳаждан четга чиқиб кетганликлари, дея тасаввур қила оламизми?

Йўқ, асло биз бундай тасаввур қилолмаймиз. Чунки улар тарафидан содир бўлган ихтилофлар ўша манҳаж доираси ичида бўлиб ўтган. Улар ўша манҳажни татбиқ қилиш, ҳукмларини амалга ошириш йўлида мана шу ихтилофларга кириб қолдилар. Бу сўзларимиз тасдиқини аввалги мисолларда кўриб чиқдик.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қани айтингчи, биз ихтилоф қилган иккала тарафдан қай бирини ҳақ йўлдан ташқарига чиқиб кетган, дея тухмат қилишга ҳаққимиз борми? Юқоридаги сабабларга кўра ихтилоф қилган зотларни, унга эргашиш вожиб бўлган манҳаж чегараларидан ташқарига чиқиб кетган, дейишимиз мумкинми? Қайси асос ва қайси қонунга биноан мана шундай ҳукм чиқазиш мумкин? Бераётган ҳар бир ҳукмида холисликни даъво қилаётган ким борки, у шундай ҳукм беришга журъат қила олсин?

Тухмат қилинаётган, балки манҳаждан ташқарига чиқишда айбланаётган гуруҳнинг, ўз мухолифи бўлган тарафини ҳам ҳудди ўзларига қўйилаётган ана шу айб билан айблашдан нима манъ қила олади? Агар бундай қилиш мумкин бўлса, у ҳолда, тухмат қилинаётган гуруҳ ҳам мухолиф тарафни ҳақдан юз ўгирганлик ва манҳаждан четга чиқишда айблаши мумкинку!

Ҳар иккала тараф ҳам бир-бирларига қарши бундай айблов ҳукмларини чиқазишга ҳақлари йўқ эканлиги, барчага маълумдир. Чунки ҳар иккала тараф ҳам, айнан бир манҳаж доираси ичида ҳаракатланмоқда. Уларнинг ихтилоф қилган нуқталарига келсак, манҳаж қоидаларининг ўзи мана шу ихтилофларни тақозо қилади. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу манҳаж қоидалари мужтаҳидлар ихтилоф қилган ўринларда умуман иттифоқ омилларини мукамал қилиш ва ихтилоф тирқишларни умуман ёпиб ташлаш кафолатини беролмайди. Ҳолатнинг бундай тус олишида Аллоҳ таолонинг улкан ҳикматлари бордир. Инсофли ҳар бир оқил буни англаб олишдан ожиз эмас.

Бизнинг “бу ижтиҳодий масаладир” сўзимизнинг маъноси мана шудир. Яъни, ҳукмлар далиллари эҳтимоллар ва гумонли ўринлардан холи эмасдир. Бундай эҳтимолли масалалар ақидавий ва сулукий ҳукмлар соҳасида мавжуд ва кенг тарқалган. Шориънинг ўзи буни эътироф этган, уламолар ва тадқиқотчилар бундай ихтилофлар сабабидан уларга ҳеч қандай зарар йўқ эканлигига қалблари хотиржам бўлган. Бундай ихтилофлар маломат қилинмасдан, аксинча ҳар иккала тараф ҳам савобга эга бўлиши, ажрга муяссар бўлиши икки шайх тарафидан Мустафо с.а.в дан муттафақ ҳолда ривоят қилингандир. Ҳадисда шундай дейилади: “**Ҳоким ҳукм қилаётган пайт, (ҳақийқатни топиш учун) жидду жаҳд қилса ва тўғри топса, бас унга икки ажр бордир. Хато кетса, унга бир ажр (берилади).**”

Сизда, “хўш, модомики ихтилофларга тамомила барҳам бериш чорасиз экан, у ҳолда манҳажнинг нима кераги бор?” деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунга жавобан биз: “ушбу манҳажга амал қилишнинг фойдаси, маҳмуд раъй ва мазмум раъй орасини осонликча ажратиб олишда яққол намоён бўлади. Зеро, маҳмуд раъй ушбу манҳаж қоида ва ҳукмлари соясида юради, мазмум раъй эса, унинг қоидаси ва ҳукмларидан четда юради.” деймиз. Манҳажга амал қилиш борасида, масалаларнинг мухталаф ёки муттафақ бўлишининг ҳеч қандай аҳамияти йўқдир.

Биринчи турдаги раъйлар, яъни, манҳаж қоидалари ва ҳукмлари асосида бўлган раъйлар мақбулдир. Бу раъйлар бизнинг ижтиҳодимизга мувофиқ келадими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Бунинг маъноси шулки, “бизнинг ижтиҳодимизга мувофиқ келмаган ижтиҳодларга эргашмаймиз ва уларни ўзимиз ҳақимизда тўғри санамаймиз. Лекин, биз айни дамда, бу ижтиҳод соҳиби ўзи учун мақбул узр топган ва у имкони қадар зиммасида вожиб бўлган вазифани адо қилган, деб биламиз. Ўзимиз ҳақимизда ҳам ҳудди шундай мулоҳаза қиламиз. Яъни, “биз зиммамизга юкланган вазифани адо қилдик, биз тўғри деб билган нарсага эргашиб ўзимиз учун мақбул узрга эга бўлдик”. Мана шу зикр қилинганларга биноан, ҳар иккала тараф ҳам бир-бирларини фосиқлик, бидъатчилик ёки ҳақдан тойиб кетишда айблашлари жоиз эмас. Ихтилоф қилувчилар қайси табақага ёки қайси асрга мансуб бўлсалар ҳам, сўз мана шудир.

Иккинчи турдаги раъй, ҳам умумий, ҳам муфассал кўринишда ботил ва тарк қилингандир. Бунинг сабаби, унинг бошбошдоқлиги ва тафсир ҳамда ижтиҳод қоидаларига риоя қилмаслигидадир. Сўнгра, бу тарздаги бузуқ раъй эгаларининг бузуқ раъйлари гуноҳ ва дийний хавфу хатарлари

жиҳатидан бир-бирларидан тафовут қилади. Бузуқ раъйлар орасидаги тафовут бидъатчиликдан бошланиб, фисқ ва куфр билан ниҳояланади.

Гуноҳларнинг даражаси, ўша раъй эгасининг содир этган залолати ва эътиқод ҳамда сулукда келтириб чиқазган оқибатларига кўрадир. Бундай бузуқ раъй эгалари ва унга амал қилувчилар қайси табақадан бўлмасин, қайси асрга мансуб бўлмасин, бу жиҳатларнинг эътибори йўқдир.

Демак, ўз эътиқоди ва сулукида мана шу манҳаж йўлига риоя қилган киши аҳли суннат вал жамоатдан ҳисобланади. У, Аллоҳнинг фазли ва тавфийқи ила, ҳидоят ва рушд йўлларида сайр қилаётган бўлади. Модомики, киши мана шу йўсинда ҳаёт кечираётган экан, унинг илк аср вакили, бу умматнинг салафи бўлиши ёки улар ортидан келган халаф бўлишининг фойда ёхуд зарари йўқдир. Киши салаф ёки халаф бўлишидан қатъий назар, модомики у бу манҳажга амал қилмаса, фикрининг жиловини бўш қўйиб юборса, у муттафақ ва мухталаф қоидалар ҳамда шартлардан узоқ ҳолда ўзи учун ўзи хоҳлагандек, ўзи истагандек эътиқод ва шариат тузиб олса, демак у суннат ва жамоатдан ташқарига чиққан, Аллоҳнинг йўлидан четга оғган ҳисобланади. Энди унга унинг салаф ёки халаф бўлиши ҳеч қандай фойда бермайди.

Бу мазкур ҳақийқат шундоқ ҳам ошкора ва равшандир. Аммо шундай бўлсада, биз кейинги бобни битишга ҳаракат қилмоқчимизки, унда бу ҳақийқат янада равшанлашади. Биз бу бобда, тушуниш осонлашиши учун ҳарфлар устига нуқталар қўйиб чиқамиз, назарий, очиқ-ойдин баёндан воқеъликдаги жонли, реал татбиқотга ўтамиз. Бундан кўзланган мақсад, токи зеҳнларга гоҳида ундан турли васвасалар сизиб кирадиган ёки унинг қаршисида ҳақ билан ботил аралашиб кетадиган ҳар бир сарҳадни беркитиш. Ёрдам сўраладиган ягона зот –Аллоҳдир.

[1] Суютий р.а нинг “ал-Музҳир” асарига қаранг

[2] “ал-Хосаис”га қаранг

[3] “Усул ал-Сарахсий” 1жузъ; 190 бетга қаранг.

[4] Суютийнинг “ал-Музҳир” асарига қаранг.

[5] Усул Сарахсий ва Ғаззолийнинг “ал-Мустасфа”сига қаранг.

[6] ибн Ҳожиб шарҳи; Ғаззолийнинг “ал-Мустасфа”сига қаранг.

“Ушбу соҳа уламолари” деганимизда, биз аввало ўз-ўзидан араб тили олимлари ва мутахассисларини назарда тутмоқдамиз. Зеро, насслар тафсири қоидалари- нейтрал, ҳеч кимга ён босмайдиган холис қоидалар бўлиб, улар луғавий далолатлар ва тушунчалар масдарларидан олинган бўлади. Модомики, ҳолат шундай экан, табиий тарзда, бу қоидалар тилшунослар ва араб тили мутахассисларига мурожаат қилади. Қуръон ва суннат насслари араб тили сийғаларида ворид бўлганлигини инобатга олсак, у ҳолда бу насслар ҳам араб тили далолати ва баёний қоидаларига бўйсунганини тушуниш мушкул эмас. Ушбу қоидалар соф луғавий қоидалар бўлиб, улар бирон дийний ёки фикрий мазҳаблар таъсири остида бўлмайди. Бизнинг “нейтрал, ҳеч кимга ён босмайдиган холис қоидалар” сўзимизнинг маъноси шудир.

Ушбу қоидаларнинг кўпларига луғат олимлари иттифоқ қилган бўлсалар ҳам, уларнинг айримлари ихтилоfli қоидалар саналади. Худди мана шу ихтилофлар, илми калом ва Ислом шариати уламоларидан бўлган изланувчилар ижтиҳодларида ўз аксини топади.

Қуйида биз уларга мисоллар келтириб ўтамиз.

Биринчи мисол:

Араб тили олимлари, “лафзларни тафсир қилишда аввало ҳақийқий маънони олиш лозим” қоидасига иттифоқ қилганлар. “Мажозий маънога эса, маънони кенгайтириш, ёки таъкидлаш, ёхуд ташбиҳ зарурати бўлган пайтларида ўтилади. Агар ушбу заруратлар топилмаса, лафз ҳақийқий маъносида ишлатилиши қатъийдир.[\[1\]](#)”. Мазкур ижмоъ Ислом шариати уламолари ижтиҳодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Улар нассларни мана шу қоидага кўра тафсир қиладилар. Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳ с.а.в ҳадисларида ворид бўлган калималар, агар юқоридаги уч зарурат бўлмаса, ҳар қачон ҳақийқий маъносида тушунилади.

Юқоридаги қоиданинг ёнида араблар “мажоз кўпайиб кетса, ҳақиқатга етиб олади” деган сўзни ҳам айтганлар[\[2\]](#). Яъни, араблар урфида калима

ёки жумлани мажозий маънода қўллаш кўпайиб кетса, мажозий маънода қўллаш омма орасида кенг ёйилса, у ҳолда бу мажоз ҳақиқат сифатларини олади. Шунингдек, у ҳақиқатнинг мажозга ўтиши учун қўйилган зарурат шартларини соқит қилади. Зеро, калима ёки жумланинг мажозий маънода кенг қўлланиши, уни ҳақийқий маъно даражасига етказиб қўяди.

Уламолар, араблар амал қилиб юрган ушбу тўлдирувчи қўлланмаларни амалга оширишда турлича йўл тутдилар. Яъни, “таҳқийқул манот” (ҳукмлар билан иллат орасида боғлиқликни текшириб топиш) борасида ихтилоф қилдилар.

Баъзи олимлар, калимадаги мажозий маънонинг кўп қўлланиши ва халқ орасида кенг тарқалганини эътиборга олиб, ўша калиманинг ҳақийқий маъносини эътибордан четга чиқазганлар. Бунга мисол: “Мен бу дарахтдан едим” ёки “Мен ушбу қозондан овқатландим” деган каби. Ушбу мисоллардаги ҳақийқий маънолар эътиборга олинмаслиги барчага маълумдир. Бу иккала мисолларда ҳам ҳақийқий маъно ўрнини, “дарахт мевасини ейиш” ва “қозонда пишган таомдан ейиш” каби мажозий маъно эгаллагандир. Шофеейлар, ханбалийлар ва жумҳур мусулмон олимлар ҳудди мана шундай қарашга эгадирлар.

Бошқа олимлар эса, одамлар мажозий маъноларини тушунишлари машҳур бўлган калималардаги мажознинг кенг тарқалганлигини эътироф қилсалар ҳам, аммо ушбу калиманинг ҳақийқий маъносини бира тўла унутдириб юбормаганлар, эътибордан четга чиқазмаганлар. Бу мазҳаб уламоларига кўра, гарчи одамлар оммаси орасида мажозий маъно кенг тарқалган бўлса ҳам, аммо айримлари, ушбу калимадан унинг ҳақийқий маъносини ҳам тушунадилар ва бу калималарни ҳақийқий маънода қабул қиладилар. Масалан: “Мен дарёдан ичдим” ёки “Мен фалончининг хонадонига қадам босмадим” каби. Одамлар, мазкур мисоллардан, аввало мажозий маънони тушунадилар. Зеро, ушбу мисолларда одамлар орасида ҳақийқий маънодан кўра мажозий маъно кенг тарқалган. Одамлар биринчи мисолдан, “кишининг дарё сувидан ичган”лигини тушунадилар. У хоҳ коса билан, ёки бирон нарса воситасида ичсин, бунинг фарқи йўқдир ва у ўз сўзида содиқдир.

Иккинчи мисолдан эса, кўпчилик, “киши фалончининг хонадонига кирмаган”лигини тушунадилар. Чунки эл орасида ҳудди мана шу маънолар маъруф ва машҳурдир. Ушбу маънога кўра, агар киши фалончининг хонадонига бутун жасади билан кирмасдан, фақатгина қадам босган бўлса, у ўз сўзида содиқ саналади. Бу маъноларда тушунган кишиларни

ёлғончи дейилмайди.

Ушбу мисоллардан, кўпчилик мажозий маънони тушунсалар ҳам, аммо одамлар ичида ҳақийқий маъноларни тушунадиган кишилар бордир. Одамларнинг барчаси ҳам ҳақийқий маъноларни тамоман тарк қилмайдилар. Гоҳида кимлардир “мен бу дарёдан ичаман” деб қасам ичиши мумкин. У бу сўзи билан ҳақийқий маънони ирода қилган бўлади. У дарё бўйига келиб, тўғридан-тўғри дарёдан сув ичиши мумкин. Шунингдек, гоҳида киши “мен фалончининг хонадонига оёғимни босмадим”, ёки “Аллоҳга қасамки, мен фалончининг хонадонига оёқ босмайман” дейишлари мумкин ва улар бундан ҳақийқий маънони ирода қиладилар. Яъни, киши фалончининг хонадонига қадам босиши билан сўзлари амалга ошган бўлади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари, калималарни ҳудди мана шу тарзда тафсир қилганлар. Бу мазҳабга кўра, халқ ичида мажозий маъно кенг тарқалган бўлса, омма бу маънога кўникма ҳосил қилган бўлса, гарчи ҳақийқий маъно амалда бўлса ҳам, калималарни мажозий маънода тафсир қилиш жоиздир [3].

Юқоридагилардан маълум бўладики, ушбу ихтилофнинг асосий сабаби, ибн Форис, ибн Жаний ва Сибавайҳ каби араб олимлари “**(қўлланишда) мажоз кўпайиб кетса, у ҳақиқат (мавқеъи)га етиб олади**” қоидадаги “кўпайиб кетиш”дан нима ирода қилинганини изоҳлаб бериш бўлган.

Араблар сўзлашувига эътибор берилган чоғда, уларнинг ўзлари ҳам мана шу сермаъно калималар маъноларини чегаралаш ва бу маъноларни чегаралаш шартлари хусусида ихтилоф қилганлари маълум бўлади.

Таъвил ҳақида баҳс қилган Ибн Жаний “ал-Хосаис” китобида ҳудди мана шу нарсани баён қилиб ўтганлар. Бироз кейин, биз ҳам бу мавзуни ёритиб ўтамиз, инша Аллоҳ.

Мазкур қоида натижасида, каломни таъвил қилиш ёки қилмасликда унга эргашиш лозим бўлган муҳим бир манҳаж юзага келди. Бу борада, қоидаларнинг муттафақи ва мухталафининг фарқи йўқдир.

Таъвил эҳтимоли мавжуд бўлган, таъвил қилиш мумкин бўлган калималар аввалида “зоҳир” туради. Зеро, “насс” ҳеч қачон “зоҳир”нинг эҳтимолига бўйсунмайди. Зеро, у шунинг учун ҳам “насс”дир. “Зоҳир”ни, авваломбор, ҳеч қандай таъвилсиз зоҳирий маънога ҳамл қилмоқ лозим. “Зоҳир” таъвил қабул қилиши учун унда икки шарт топилиши лозим. Биринчи шарт: ўша зоҳир лафз ирода қилинаётган таъвилни қабул қилиши шарт. Ушбу шартга

кўра, лафз ва таъвил қилинаётган маънолар орасида луғавий қўлланиш, ёки урфдаги истъёмол, ёхуд шу каби ўша калимани ҳақийқий маънодан мажозий маънога ўтказишни талаб қилувчи қандайдир боғлиқлик бўлиши керак. Бордию лафз ва таъвил қилинаётган маънолар орасида ҳеч қандай боғлиқлик топилмаса, у ҳолда бу таъвил ботил ҳисобланади. Бундай таъвиллар ботиллиги мисоли ҳудди шерни эшакка, дарёни тоғга, дарахтни кишига таъвил қилиш ботил бўлганига ўхшайди. Иккинчи шарт эса, аслида кучли бўлмаган маънони зоҳирий кучли маънодан устун қўйишни, зоҳирий маънони эса кучсиз санашни тақозо қилувчи далил топилиши керак.

Кўпинча бундай далиллар луғавий бўлади. Араблар секин-аста муайян бир лафз ёки таркибни мажозий маъноларда ишлатишни бошлаган пайтларида улар орасида қандайдир боғлиқлик асносида амалга оширдилар. Улар кейинчалик мана шу мажозий маъноларни ҳақийқий маъно ўрнига ишлата бошладилар. Одамлар ўша лафз ва таркиблар хусусида араблар ортидан эргашдилар. Одамлар араблар ортидан лафзларни араблар ичида ишлатиладиган мажозий маъноларга таъвил қила бошладилар. Улар араблар ундан юз ўгирган, истъёмолда ишлатмай қўйган қадимий ҳақийқий маъноларни ишлатиш билан, ўзларича бирон янги луғавий истилоҳ ихтироъ қилмадилар. Зеро, араблар тили ва истилоҳлари араб тилидаги матнларни англаб тушуниб етишда асосий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Масалан, араблар “سَيَطُولُ أَيَّامٍ” , “قاس يلع برحل ا تماق” ёки деб айтадилар. Аммо ҳеч ким бу гапларнинг зоҳирий маъносини ирода қилмайди. Биринчи мисолда, араблар “жанг оёққа турди” десалар ҳам, бундан мажозий маънодаги “жанг шиддатли тус олди, кучайиб кетди” деган гапни айтмоқчи бўлган бўладилар. Иккинчи мисолда эса, “жанг қизиб кетди” десалар ҳам, бундан “жанг кучайиб кетди” деган мажозий маънони ирода қилган бўладилар.

Араблар каломида мана шу тарздаги истилоҳ ва таркиблар жуда кўп учрайди. Бу истилоҳ ва таркиблар мазмунини тўғри англаш учун уларнинг сўзлари ва таркибларига диққат билан эътибор бериб, улар билан танишиб чиқиш лозим.

“ал-Хосааис” китоби муаллифи ушбу баҳсни кенг ёритиб ўтган ва диққат-эътиборини арабий калом руҳиятини ҳис қилиш, уни яқиндан таниш, асосларини ўрганиш аҳамиятига қаратган. Шу мақсадда, ўз китобида алоҳида боб ажартиб, унга “Араб тилини билиш омонлик берадиган

дийний эътиқодлар боби” деб ном берганлар. Бобни қуйдаги иборалар билан бошлаган:

“Билгинки, ушбу боб китоб боблари орасида энг қимматлиларидандир. Ундан фойдаланиш бирор ғоя учун (васила маъносида) эмасдир, унинг ортида ниҳоя йўқдир, (чунки унинг ўзи ғоядир, ниҳоядир). Бундай дейишимизга сабаб, шариат аҳли орасида ҳақ йўлдан озганларнинг кўпи луғат мақсадини билмаслиги, луғат маъносига олиб борувчи олий йўлни билмасликлари туфайли ўша ёмон оқибатларга дучор бўлганлар. Уларнинг ақлларини чалғитган, заифлаштирган нарса уларнинг ҳудди мана шу мукаррам юксак луғат борасидаги заифликлари эди. Ваҳоланки, барчага (яъни, бутун инсониятга) мана шу луғат билан хитоб қилинган. Жаннат ва дўзах барча жиҳатлари билан мана шу тил орқали (инсонларга) намоён қилинган.”

Аммо шундай бўлсада, ушбу далил ҳам нисбийликни қабул қилади, у ҳам дақиқ чегаралардан йироқ. Зеро, бу каби таркиблардаги мажозий маънолар қўллануви бошқа таркибларда ҳам бирдек нисбатда ишлатилмайди. Айрим таркиблар борки, уларни зоҳирий маънода тушуниш умуман имконсиз бўлиб, уларни таъвил қилиш вожиб бўлади.

Айримларини эса, гарчи одатда жуда кам ишлатилаётган бўлса-да зоҳирий маъно билан тушуниш мумкин.

Мана шу сабабларга кўра, уламолар таъвил қилиш борасида ихтилоф қилганлар. Бир тоифа олимлар эҳтиёт чорасини кўрганлар ва зоҳирий маънога ҳамл қилиш умуман имконсиз бўлганлиги боис лафзларни фақатгина таъвил маъноси билан тафсир қилганлар.

Бошқа олимлар эса, араблар ичида маълум ва машҳур бўлганлиги учун таъвил қилса бўлади, дейиш билан кифояланганлар.

Биз санаб ўтган омиллар туфайли, усул фикр илмидаги таъвил боби -гарчи қоидалар ва муттафақ шартлар атрофида жамланган бўлса ҳам- имомлар орасида татбиқотдаги ихтилофларни ўз ичига олгандир.

Бу ихтилофларнинг барчаси, уламолар таянаётган далил табиати, лафзларнинг арабий далолати муқоясасидан олинган маънолари ва араблар одатини синчиклаб ўрганиб чиқиш орқали ҳосил бўлган хулосаларга кўра юзага келгандир. Чунки, араблар ўзлари ҳам бир калимани гоҳида мажозий маънога таъвил қилсалар, гоҳида ҳудди шу калимани зоҳирий маънода тушунганлар.

Бу фан олимлари таъвил бобини чегаралаш, каломни мутакаллим ёки шориъ тарафидан қасд қилинган маъно арқонига боғлашнинг қатъий йўлини топа олмадилар. Аслида, улар бу борада жуда дақиқ изланишлар олиб бордилар. Юқорида биз зикр қилиб ўтган шартлар топилгандан кейин ҳам, олимлар таъвилни қисмларга бўлдилар. Биринчиси: “таъвийлун қорийбун”- яъни, зоҳирий маънода тушунишдан кўра, таъвил қилишга яқинроқ бўлган қисм. Бундай қисмдаги лафзларда таъвил қилишга ундовчи омиллар яққол сезилиб туради. Бу қисмга мансуб лафзларни таъвил қилишда ихтилоф йўқ. Иккинчиси: “таъвийлун баъийдун”. Яъни, лафзни таъвил қилишга ундовчи омиллардан кўра, уни зоҳирий маъносида қолдиришни тақозо қилувчи омиллар кучли бўлган қисмдир. Бундай лафзларни ҳеч ким таъвил қилишга уринмайди. Учинчиси: “таъвийлун муҳтамилун”. Бундай лафзларда икки тараф баробар келади. Лафзни на зоҳирий маънога, ва на таъвилга буришга аниқ далолат топилмайди. Калом ҳар иккаласи орасида иккиланиб қолади. Баъзи олимлар наздида, лафзни зоҳирий маънода қолдириш керак дейилса, айримлари уни таъвил қилмоқ керак, деган тушунчада бўладилар. Ва уларнинг ҳар бири, ўз ижтиҳодини Шориъ мақсадига яқин, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, олимларнинг бири “таъвийлун қорийбун” деган таъвийлни, бошқа бири “таъвийлун баъийдун” деб ҳисоблайди. Ва ҳоказо, мана шу тарз бир қанча ихтилофлар мавжуд бўлиб, инша Аллоҳ кейинроқ, ақийдавий ва сулукий ҳукмларга доир бўлган ушбу ихтилофий нуқталарга мисоллар ва намуналар келтирамиз.

Иккинчи мисол:

Уламоларнинг “мафҳумул муҳолафа”ни эътиборга олиш ҳақидаги ихтилофлари. Уламолар, араб тилида “мафҳумул муҳолафа” далолатининг асли бор ёки йўқлиги, ҳақида ихтилоф қилдилар. Эшитувчи сўзловчининг сўзларидаги хослашдан фақатгина зикр қилинган нарсани тушуниб, зикр қилингандан бошқаларига нисбатан эса ҳукмни эътиборсиз қолдиришига “мафҳумул муҳолафа” дейилади.

Ихтилофнинг асосий сабаби, араб тили билан шуғулланган Сийбавайҳ, ибн Анборий, Саълибий ва ибн Жаний каби кўплаб тилшунослар, луғатнинг собит бўлиши ва унинг далолати қатъий бўлиши учун ўша тил ўз эгалари

тарафидан тортишув ва шубҳалардан холи, мутавотир тарзда нақл қилиниши лозим, деган қарашни билдирганлар. Аммо луғат эгаларидан баъзиларигина нақл қилган, унда тавотур шартлари топилмаган луғатлар борасида эса, улар ихтилоф қилганлар. Кўпчилик олимлар, бундай лафзлар “зонн”ни ифодалайди, десалар, бошқалари, бундай лафзлар илмни ифодалайди, унга эҳтимолларни киргизиш дуруст эмас, дейдилар. Айрим олимлар эса, агар қорийна билан келса илмни ифодалайди, акс ҳолда йўқ, деганлар[4].

Араб тили мутахассислари қарорига биноан, уламолар “мафҳумул муҳолифа”дан олинадиган далолат қадру қиммати ҳақида иккига бўлиндилар.

Биринчи қисм олимлар; Яъни, жумҳур олимлар фикрича, “мафҳумул муҳолифа” ҳужжат ҳисобланади. Улар ўз сўзларига луғавий бир қанча далиллар келтирганлар.

Иккинчи қисм олимлар. Яъни, асосан ҳанафийлар ва Имом Ғаззолий ҳамда унинг шайхи Имом ул-Ҳаромайн каби айрим шофъийлар наздида, мутакаллимнинг хослаши мазкурдан бошқалардаги ҳукми йўққа чиқазмайди. Улар ўз мазҳабларига қуйидагиларни далил қилиб келтирганлар. Биринчидан; араблар тарафидан бу ҳақида мутавотир нақл собит бўлмаган. Иккинчидан; агар унга амал қилинадиган бўлса, “мафҳумул муҳолифа”дан бошқа кўплаб фойда ва далолатлар беҳуда кетиши мумкин. Модомики, бундай эҳтимол мавжуд экан, уни далил қилиш нораводир, аммо “мафҳумул муҳолифа”дан ташқари яна қўшимча қарийналар бўлса, у ҳолда эътироз йўқдир[5].

Мазкур ихтилофларнинг асоси, Ислом шариати уламолари орасидаги яна бир қанча даллавий масалаларга ҳам сабаб бўлгандир. Ваҳоланки, Ислом шариати уламолари нассларни тафсир қилиш ва улардан ҳукмлар олишда ягона, барчани жамловчи манҳажга иттибоъ қилиш зарур эканлигига иттифоқ қилганлар.

Шу туркумдаги ихтилофлардан бири, амр сийғасининг ташқи қорийналардан холи пайтидаги даллати ҳақидадир. Жумҳур мазҳабига кўра, ташқари қорийналардан холи келган амр сийғаси вужубни тақозо қилади. имом Розий, бу кўплаб фуқаҳо ва мутакаллимлар мазҳабидир, деганлар. Имом Шофъий р.а мазҳаби асоси ҳам мана шудир. Лекин имом Ғаззолий р.а каби бир тоифа олимлар, токи қорийналар топилмагунча, амр сийғасига маъно беришдан тўхтаб туришни маъқул кўрганлар.

Ушбу гуруҳ олимлар, амр сийғасининг вужуб, ёки надб, ёхуд ибoҳа учун келганлиги ҳақида қатъий далил топилиши керак, дейдилар. Улар бу сўзларига қўшимча қилиб, ушбу далил ёки ақлий, ёхуд луғатдан бўлган нақл бўлмоғи лозим. Ақлга келсак, у тил борасида ҳеч ишга ярамайди. Нақлга келсак, у оҳод ёки мутавотир бўлиши мумкин. Луғат оҳод йўл билан собит бўлмайди. Араб тилида “لعفا” амр сийғаси вужубга далолат қилиши мутавотир тарзда нақл қилинмаган. Демак, бу борада қатъий бирор гап айтиш мумкин эмас, балки аниқ бирон сўз айтиш учун ташқи қорийналар қидириш лозим, дейдилар.

Учинчи мисол:

Наҳий сийғаси қатъий тарк қилишни, яъни, таҳриимни талаб қилганидан ташқари яна нималарга далолат қилишлиги, уламолар орасида баҳс ва мунозара ўрнидир.

Наҳий сийғасининг ўзи -агар қорийналар бўлмаса, мустақил равишда қайтарилган феълнинг фасоди ёки ботиллигига далолат қиладими? Зеро, феъл ботилга чиқиши билан, у ўз ортидан шаръий натижаларни эргаштириб келолмайди. Ёки наҳий сийғаси далолат қиладиган ҳар қандай нарса ўз бажарувчисини иқобга дучор қиладими? Аммо ақлнинг сиҳҳати ва бутлонига келсак, у ҳақида сукут сақлангандир. Унинг ҳукми қорийналар ва бошқа далиллар орқали маълум бўлади.

Жумҳур уламолар, луғат наҳий сийғасининг қайтарилган феъл бажарувчисини танбеҳ ва иқобга дучор қилишдан ортиғига далолат қилолмаслигига иттифоқ қилганлар. Улар бу хусусда, наҳий сийғаси юқоридан қуйига нисбатан бўлаётган чоғда қатъий тарк талабига далолат қилишини назарда тутганлар. Аммо бу феълнинг саҳиҳ ва ботилга оид ҳукмига келсак, наҳий сийғасининг ўзи мустақил равишда бунга далолат қилолмайди, балки у ташқи қорийналарга муҳтождир.

Барчамизга маълумки, байъ, никоҳ, намоз, талоқ ва шу каби нарсалар борки, улар саҳиҳ ва ботил сифатларига эга бўлиб, уларга нисбатан шаръий нормалар мавжуддир. Мана шу каби шаръий нормалар мисолида ташқи қорийналарни излаган ва бу қорийналар асосида шорийнинг қайтарилган феълни бажарган кимсага нисбатан кўрилган чораларини ўрганиб чиққан уламолар муттафақ бўлган нуқталарга келиб тўхтадилар. Аммо, улар иттифоқ омиллари мукамал бўлмаган ишлар юзасидан эса ихтилофга тушдилар.

Уламолар бирор ишга боғлиқ бўлган наҳий сийғаси, ўша ишга боғлиқ бўлган ташқи сабабга эмас, балки унинг зотиغا тегишли бўлган ҳар қандай феълнинг ботил эканига иттифоқ қилганлар. Албатта бу, бундай феълларни қилган кимсалар иқобга гирифтор бўлишларини ҳам ифодалайди. Аслида Шорей тарафидан, агар ўша феъл саҳиҳ ҳолда топилса, унга боғлаб қўйилган асарлар мавжуд эди. Феъл бутлонга маҳкум бўлган пайтда эса, Шорей унга боғлаб қўйган ўша асарлар амалга ошмайди. Бунга, таҳоратсиз намоз ўқиш, киши ўз маҳрамларидан бирини никоҳлаб олиши ва ўзи эга бўлмаган нарсаларни сотиши кабилар мисол бўлади.

Уламолар иттифоқ қилолмаган нуқта бу – наҳий сийғаси феълнинг ўзига эмас, балки унинг ташқи сифатига тегишли бўлган ўринлардир. У шундай ташқи сифатки, уни ўша феълдан ажратиб олиш имкони мавжуд. Бунга мисол сифатида, Шориънинг кишини бировнинг ҳовлисини, унинг изнисиз, бирон нарсага ишлатишидан, ёки қарзни узишга қодир бўла туриб, ундан қочиши ёхуд уни узишдан қочиш мақсадида нималар биландир машғул бўлиб олишидан бўлган қайтариқларини келтириш мумкин. Киши ўзганинг ҳовлисида, соҳибининг ижозатисиз, ҳатто намоз ҳам ўқиши мумкин эмас. Зеро, шариатда ўзганинг ҳовлисида, эгасининг рухсатисиз намоз ўқишдан қайтарилгандир. Барчага маълумки, киши намоздан қайтарилган эмас, балки у қайтарилаётган нарса ўзганинг ҳовлисида рухсатсиз намоз ўқишлиқдир. Бировнинг ҳовлисида намоз ўқишлиқ намоз жавҳаридан айри нарса эканлиги ҳаммага маълумдир. Киши, унинг тарафига ҳақдорнинг ҳаққини талаб қилиш учун келаётганини кўриб, дарровда намозга шуруъ қилиб олишлиги, шариатга кўра манъ қилингандир. Бу ўринда ҳам киши намоздан манъ қилинаётгани йўқ, балки у ҳақдорнинг ҳаққини беришдан қочиш мақсадида намоз ўқишдан қайтарилгандир. Бу масалага қўшимча сифатида, жумъа куни, пешин вақтида савдо-сотиқ қилиш ва ўзганинг пичоғи билан, унинг рухсатисиз, қурбонлик қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Жумҳур уламолар наздида, бундай феълларни қилган киши иқобга дучор бўлса ҳам, аммо унинг ушбу феъли саҳиҳ ва уларга кўра шаръий асарлар тартиб топади. Чунки, наҳийни тақозо қилаётган нарса ўша феълларнинг ўзи эмас, балки уни бажарувчисидаги шаръий мазмум сифатлардир.

Аммо, бу масалада жумҳур уламоларга имом Аҳмад р.а, Жибуий ва айрим мутакаллимлар муҳолиф чиққанлар. Уларнинг мазҳабига кўра, наҳий сийғаси феълларни умуман бутлонга олиб боради. Уларнинг ўз сўзларига

келтирган далиллари Расулуллоҳ с.а.в нинг “وهف انرم |ه ل ع ن ك ي م ل ام ل ك” (Бизнинг амримиз бўлмаган ҳар бир нарса мардуддир) саҳиҳ ҳадисларидир. Жумҳур уламолар ушбу ҳадиснинг саҳиҳ эканлигига шубҳа билдирмаганлар ва уни қабул қилиш лозимлиги ҳақида ҳеч қандай тараддуд ҳам қилмаганлар. Аммо бу ҳадиснинг маъноси хусусида, улар бошқа шаръий далилларни ҳам синчиклаб ўрганиб чиқиб, “وه ل ع ن ك ي م ل ام ل ك” |انرم” сўзидан мурод, наҳий сийғаси унинг зотиға тегишли бўлган феъллардир”, дедилар. Улар бу ҳадисни биринчи турдаги, барчалари иттифоқ қилган “муҳарромун лизотиҳи”га далил қилдилар. Аммо асли машруъ ва матлуб бўлиб, кейинчалик ташқи, янги сифатлар сабабли қайтарилган феъллар бу ҳадис мазмуни остига кириши ҳақиқатдан анча йироқдир.

Мана шу ихтилофга биноан, тортиб олинган ерда ўқилган намоз, жумъа намози пайтидаги тижорат, ҳар иккаласи имом Аҳмад р.а ва асҳоблари наздида ботилдир. Аммо бошқа имомлар наздида эса, саҳиҳдир.

Тўртинчи мисол:

Уламолар лафзларнинг “хос” ва “ом”, “мутлақ” ва “муқайяд”ларга бўлинишига иттифоқ қилганлар. Шунингдек, улар бу лафзлар таърифи ва мана шу сифатлар унга мувофиқ келган лафзлар борасида ҳам иттифоққа келганлар. Уламолар “хос”, “ом”, “мутлақ” ва “муқайяд”ларнинг чегараси хусусида асло ихтилофга тушмадилар.

Уламолар иттифоқига кўра, ҳукмларда ворид бўлган “ом” лафзи умумга далолат қилади ва ўша ҳукм умумнинг барча аъзоларини ўз ичига олади. Бордию ўша “ом” лафзига мансуб аъзолардан иборат бўлган махсус аъзоларни ўз ичига олувчи муҳолиф ҳукм келиб қолса, у ҳолда ана шу иккинчи ҳукм истисно маъносида бўлишига иттифоқ қилдилар. Ва натийжада, ана шу аъзолар аввалги ҳукм умумидан ташқарига чиқади ҳамда у ўзига хос бўлган ҳукмни олади.

Бирон ҳукм хусусида “мутлақ” ворид бўлган лафзни мутлақлигича тушуниш лозим эканлиги ҳам уламолар орасида муттафақдир. Бас, “мутлақ” лафзлар учун бирон қайд ёки чегара тўқиб чиқиш жоиз эмасдир. “Муқайяд” эса, ҳукм мансуб бўлган доирани торайтириш бўлиб, у “мутлақ”даги айрим аъзоларгагина тегишли бўлади. Аммо “лафз мутлақ келган чоғда, у мукамал аъзоларигагина тегишли бўлади” луғавий

қоидасига кўра лафзлар доираси торайиши мумкин. Ушбу қоидага кўра, “унга далолат қилувчи мутлақ лафз моҳияти унда мукамал бўлмаган аъзога нисбатан “мутлақ” қўлланилмайди. Масалан, унда нуқсон, ёки айб, ёхуд жароҳат бўлган аъзоларга “мутлақ” исмини қўллаш ботил ҳисобланади. Мутлақ айтилган “Дийнор” калимаси тешилган дийнорга ишлатилмайди. “Солат” (яъни, намоз) мутлақ калимаси баъзи асосий рукнлари ёки саҳиҳга айланттирувчи шартлари топилмаган намозга қўлланилмайди. “Дор” (яъни, ҳовли) калимаси ҳаммом, кирхона ва сувхонаси каби асосий шартлари топилмаган ҳовлига нисбатан ишлатилмайди.

Мазкурларнинг барчаси ушбу манҳаж уламолари иттифоқ қилган нарсалар жумласидандир.

Ушбу муттафақ нуқталарга алоқадор яна шундай нарсалар борки, уламолар улар ҳақида ихтилоф қилганлар. Қуйидаги масалалар ана шулар жумласидан ҳисобланади:

Биринчиси- аслида “ом” лафзи ўз мадлулига қатъий шаклда далолат қилади. Аммо у ўзининг умумга бўлган далолатида қатъий шаклда бардавом бўладими ёки у истемол асносида қатъийликдан зоннийлик даражасига тушадими? Ҳанафийларнинг кўплари биринчи раъйни қабул қилганлар. Шофёрийлар, моликийлар ва ҳанбалийларнинг кўпчилиги эса, иккинчи раъйни таржиҳ қилганлар. Ўз навбатида ушбу ихтилоф муҳим натижалар ҳосил қилган. “Ом” лафзи далолати истемол асносида ҳам қатъийликда давомли бўлади, дегувчилар мазҳабига кўра, баъзи аъзоларига зид келувчи хословчи ҳукмлар ўша аъзоларни умумдан хослашга, умумнинг доирасини торайтиришга кучи етмайди. Умумни хослаш ва унинг доирасини торайтириш учун ўша “хос” лафзи собит бўлиши ва далолати жиҳатидан қатъий бўлмоғи лозим. Демак ушбу мазҳабга кўра, Қуръон умумларини оҳод хабарлар билан хослаш мумкин эмас. Чунки биринчиси қатъий далолат соҳиби, иккинчиси эса зонний далолатга эгадир. Иккинчи мазҳаб уламолар наздида, “ом” лафзини ҳар қандай далил ёки зонний насс билан хослаш мумкиндир. Зеро, улар наздида “ом” лафзи далолати истемол чоғида зонний ҳисобланади. Ҳа, жумҳурнинг қараши шундайдир.

Иккинчиси- “ом” насс билан рукн ва шартлари мукамал бўлган қиёс ўртасида зиддият топилса, бундай қиёс ўша “ом” нассни хослай оладими? Қовлий ва феълий урфларчи, улар билан “ом” нассни хослаш мумкинми?

Уламолар булар ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзи олимлар: “қиёс нассинг бир бўлагидир. Шунинг учун бўлак асли хослай олмайди, муқайяд қилолмайди.” дейдилар. Жумҳур эса, “Албатта, саҳиҳ қиёснинг ҳукми нассинг ўзининг ҳукми кабидир. Зеро қиёс аслининг натийжаси ва тақозоси ҳисобланади. Шунинг учун у омни хослаш ва мутлақни муқайяд қилишда нассинг ҳукмини олади” дейдилар[6].

Биз, омни хослаш ва мутлақни муқайяд қилишни таъвилнинг бир тури, деб эътибор қилмоқдамиз. Бундан аввалроқ эса, таъвилга олиб боровчи манҳажнинг, ёки баёни юқорида ўтганидек луғавий ҳукм тақозосига кўра, ёхуд унинг билан хослаш ва муқайяд қилиш дуруст бўлган шаръий далил тақозосига кўра бўлишлигини ҳам билиб олган эдик. Мазкур маълумотларга биноан, хосланган ом таъвил қилинган лафзлар туркумидан ҳисобланади. Шунингдек, бошқа насс далолати ила қайд қилинган мутлақ ҳам муқайяд саналади.

Менимча юқоридаги мисоллар ва маълумотлар баҳсимиз учун кифоя қилади. Мисоллар билан танишиб чиқиш мобайнида бизларга қуйидаги нарсалар равшан бўлмоқда. Ислом шариати уламолари ва ушбу дийн имомлари орасида унга иттифоқ қилинган ва у ҳақида ихтилоф қилинган нарсалар мавжуд. Бу нарсалар эътиқодий масалаларга оидми, ёки сулук фикҳи ва ҳукмларига доирми, бунинг аҳамияти йўқдир. Муҳим бўлган нарса шулки, бу масалалар барчаси мана шу жамловчи манҳаж табиати тақозоси ва унинг воқеълиги талаблари ёрдамида, унинг сояси остида юзага келди.

Муттафақ нуқталарга диққат эътиборларимизни қаратиш эҳтиёжи йўқдир, чунки у асл бўлиб, ҳар қанча ижтиҳод қилинмасин уни ўзгартириб бўлмайди. Аммо биз диққат эътиборларни, юқоридаги мисоллар орқали кўриб чиққан ихтилоф ва унинг омиллари ҳамда сабабларига қаратмоқчимиз.

Юқоридаги масалаларда иккала муҳолиф тарафлар томонидан айрим ихтилофлар содир бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо ўша ихтилофларнинг сабаби сифатида, биз уларнинг ўша чизиб қўйилган, биров аввал қисқача баён қилиб ўтилган манҳаждан четга чиқиб кетганликлари, дея тасаввур қила оламизми?

Йўқ, асло биз бундай тасаввур қилолмаймиз. Чунки улар тарафидан содир бўлган ихтилофлар ўша манҳаж доираси ичида бўлиб ўтган. Улар ўша манҳажни татбиқ қилиш, ҳукмларини амалга ошириш йўлида мана шу ихтилофларга кириб қолдилар. Бу сўзларимиз тасдиқини аввалги мисолларда кўриб чиқдик.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қани айтингчи, биз ихтилоф қилган иккала тарафдан қай бирини ҳақ йўлдан ташқарига чиқиб кетган, дея тухмат қилишга ҳаққимиз борми? Юқоридаги сабабларга кўра ихтилоф қилган зотларни, унга эргашиш вожиб бўлган манҳаж чегараларидан ташқарига чиқиб кетган, дейишимиз мумкинми? Қайси асос ва қайси қонунга биноан мана шундай ҳукм чиқазилган мумкин? Бераётган ҳар бир ҳукмида холисликни даъво қилаётган ким борки, у шундай ҳукм беришга журъат қила олсин?

Тухмат қилинаётган, балки манҳаждан ташқарига чиқишда айбланаётган гуруҳнинг, ўз муҳолифи бўлган тарафини ҳам худди ўзларига қўйилаётган ана шу айб билан айбланишдан нима манъ қила олади? Агар бундай қилиш мумкин бўлса, у ҳолда, тухмат қилинаётган гуруҳ ҳам муҳолиф тарафни ҳақдан юз ўгирганлик ва манҳаждан четга чиқишда айблаши мумкинку!

Ҳар иккала тараф ҳам бир-бирларига қарши бундай айблов ҳукмларини чиқазилган ҳақлари йўқ эканлиги, барчага маълумдир. Чунки ҳар иккала тараф ҳам, айнан бир манҳаж доираси ичида ҳаракатланмоқда. Уларнинг ихтилоф қилган нуқталарига келсак, манҳаж қоидаларининг ўзи мана шу ихтилофларни тақозо қилади. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу манҳаж қоидалари мужтаҳидлар ихтилоф қилган ўринларда умуман иттифоқ омилларини мукамал қилиш ва ихтилоф тирқишларни умуман ёпиб ташлаш кафолатини беролмайди. Ҳолатнинг бундай тус олишида Аллоҳ таолонинг улкан ҳикматлари бордир. Инсофли ҳар бир оқил буни англаб олишдан ожиз эмас.

Бизнинг “бу ижтиҳодий масаладир” сўзимизнинг маъноси мана шудир. Яъни, ҳукмлар далиллари эҳтимоллар ва гумонли ўринлардан холи эмасдир. Бундай эҳтимолли масалалар ақидавий ва сулукий ҳукмлар соҳасида мавжуд ва кенг тарқалган. Шориънинг ўзи буни эътироф этган, уламолар ва тадқиқотчилар бундай ихтилофлар сабабидан уларга ҳеч қандай зарар йўқ эканлигига қалблари хотиржам бўлган. Бундай ихтилофлар маломат қилинмасдан, аксинча ҳар иккала тараф ҳам савобга эга бўлиши, ажрга муяссар бўлиши икки шайх тарафидан Мустафо с.а.в дан муттафақ ҳолда ривоят қилингандир. Ҳадисда шундай дейилади: “

Ҳоким ҳукм қилаётган пайт, (ҳақийқатни топиш учун) жидду жаҳд қилса ва тўғри топса, бас унга икки ажр бордир. Хато кетса, унга бир ажр (берилади).”

Сизда, “хўш, модомики ихтилофларга тамомила барҳам бериш чорасиз экан, у ҳолда манҳажнинг нима кераги бор?” деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунга жавобан биз: “ушбу манҳажга амал қилишнинг фойдаси, маҳмуд раъй ва мазмум раъй орасини осонликча ажратиб олишда яққол намоён бўлади. Зеро, маҳмуд раъй ушбу манҳаж қоида ва ҳукмлари соясида юради, мазмум раъй эса, унинг қоидаси ва ҳукмларидан четда юради.” деймиз. Манҳажга амал қилиш борасида, масалаларнинг мухталаф ёки муттафақ бўлишининг ҳеч қандай аҳамияти йўқдир.

Биринчи турдаги раъйлар, яъни, манҳаж қоидалари ва ҳукмлари асосида бўлган раъйлар мақбулдир. Бу раъйлар бизнинг ижтиҳодимизга мувофиқ келадими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ. Бунинг маъноси шулки, “бизнинг ижтиҳодимизга мувофиқ келмаган ижтиҳодларга эргашмаймиз ва уларни ўзимиз ҳақимизда тўғри санамаймиз. Лекин, биз айна дамда, бу ижтиҳод соҳиби ўзи учун мақбул узр топган ва у имкони қадар зиммасида вожиб бўлган вазифани адо қилган, деб биламиз. Ўзимиз ҳақимизда ҳам ҳудди шундай мулоҳаза қиламиз. Яъни, “биз зиммамизга юкланган вазифани адо қилдик, биз тўғри деб билган нарсага эргашиб ўзимиз учун мақбул узрга эга бўлдик”. Мана шу зикр қилинганларга биноан, ҳар иккала тараф ҳам бир-бирларини фосиқлик, бидъатчилик ёки ҳақдан тойиб кетишда айблашлари жоиз эмас. Ихтилоф қилувчилар қайси табақага ёки қайси асрга мансуб бўлсалар ҳам, сўз мана шудир.

Иккинчи турдаги раъй, ҳам умумий, ҳам муфассал кўринишда ботил ва тарк қилингандир. Бунинг сабаби, унинг бошбошдоқлиги ва тафсир ҳамда ижтиҳод қоидаларига риоя қилмаслигидадир. Сўнгра, бу тарздаги бузуқ раъй эгаларининг бузуқ раъйлари гуноҳ ва дийний хавфу хатарлари жиҳатидан бир-бирларидан тафовут қилади. Бузуқ раъйлар орасидаги тафовут бидъатчиликдан бошланиб, фисқ ва куфр билан ниҳояланади. Гуноҳларнинг даражаси, ўша раъй эгасининг содир этган залолати ва эътиқод ҳамда сулуқда келтириб чиқазган оқибатларига кўрадир. Бундай бузуқ раъй эгалари ва унга амал қилувчилар қайси табақадан бўлмасин, қайси асрга мансуб бўлмасин, бу жиҳатларнинг эътибори йўқдир.

Демак, ўз эътиқоди ва сулуқида мана шу манҳаж йўлига риоя қилган киши аҳли суннат вал жамоатдан ҳисобланади. У, Аллоҳнинг фазли ва тавфийқи ила, ҳидоят ва рушд йўлларида сайр қилаётган бўлади. Модомики, киши

мана шу йўсинда ҳаёт кечираётган экан, унинг илк аср вакили, бу умматнинг салафи бўлиши ёки улар ортидан келган халаф бўлишининг фойда ёхуд зарари йўқдир. Киши салаф ёки халаф бўлишидан қатъий назар, модомики у бу манҳажга амал қилмаса, фикрининг жиловини бўш қўйиб юборса, у муттафақ ва мухталаф қоидалар ҳамда шартлардан узоқ ҳолда ўзи учун ўзи хоҳлагандек, ўзи истагандек эътиқод ва шариат тузиб олса, демак у суннат ва жамоатдан ташқарига чиққан, Аллоҳнинг йўлидан четга оғган ҳисобланади. Энди унга унинг салаф ёки халаф бўлиши ҳеч қандай фойда бермайди.

Бу мазкур ҳақийқат шундоқ ҳам ошкора ва равшандир. Аммо шундай бўлсада, биз кейинги бобни битишга ҳаракат қилмоқчимизки, унда бу ҳақийқат янада равшанлашади. Биз бу бобда, тушуниш осонлашиши учун ҳарфлар устига нуқталар қўйиб чиқамиз, назарий, очиқ-ойдин баёндан воқеъликдаги жонли, реал татбиқотга ўтамиз. Бундан кўзланган мақсад, токи зеҳнларга гоҳида ундан турли васвасалар сизиб кирадиган ёки унинг қаршисида ҳақ билан ботил аралашиб кетадиган ҳар бир сарҳадни беркитиш. Ёрдам сўраладиган ягона зот –Аллоҳдир.

[1] Суютий р.а нинг “ал-Музҳир” асарига қаранг

[2] “ал-Хосаис”га қаранг

[3] “Усул ал-Сарахсий” 1жузь; 190 бетга қаранг.

[4] Суютийнинг “ал-Музҳир” асарига қаранг.

[5] Усул Сарахсий ва Ғаззолийнинг “ал-Мустасфа”сига қаранг.

[6] ибн Ҳожиб шарҳи; Ғаззолийнинг “ал-Мустасфа”сига қаранг.